


ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

ШЕЪРЛАР

6288

Ю

0



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти

Тошкент — 1973

LIBRARY
UNIVERSITY OF TORONTO

1971
6-11-71

**ТУЙҒУН УЙЛАР,
ТОШҚИН ҲИСЛАР
КУЙЧИСИ**



Асалда асалари бол терган боғнинг гуллари бўйини ҳис қиласиз, шунингдай Ҳалиманинг шеърларини ўқиганда бошқа шоира-ҳамкасбларнинг шеърларига сира ўхшамаган жилва жарангларини эшитасиз, шодлик ва ташвишларни, ранг ва ҳидларни ҳис қиласиз. Улар сизларни тўлқинни чолғилар кесаётган бўлиқ бошоқлар денгизига, отанинг қуёш ва йиллар жўяклар солган пешанасига ўхшаган шудгорли далаларга, пичан ҳиди анқиган ҳовлиларга, қундуз телпакли, рашкли чавандозлар от ўйнатган қирларга олиб киради.

Сиз у билан ўз деҳқон ўйи остонасидан бошланган кичик сўқмоқдан яланг оёқ йўлга чиқасиз. Яланг оёқ юришнинг, ерни, она ернинг баҳри ва илиқлиги берган ҳузурини ҳис қиласиз!—Бу йўл шоира учун катта бош йўл, ернинг қоқ ўртасидан тушган ўктам йўл. Қўшиқларнинг боши бўлган ўша ерлар, ҳосилли ҳаётга энди уйғонган Мирзачўлнинг бепоён далалари, қирларнинг сарфланмаган ҳарорати, бокиралиги, яхлитлигини олиб кирди шоира шеърларига.

Ҳалима қишлоқ қизи! Лекин бир замонлардаги сингари қолоқ бурчак ёки саҳронинг ўртасида бўрон унутган саксовулдай танҳо, ижтимоий ҳаётдан йироқ қишлоқ эмас, унинг иборасича ҳар бир инсон яшаган ер — Ернинг қоқ кўкси.

Шу қишлоғи мактабидан тошқиниб, шошқиниб, чанқаб, ранг-баранг, сержаранг дунёни танишга тиришди-ю, ўзини тўлқинларга солган, бебош туйғуларга, ҳали ўзлаштирилишини кутган, очилмаган истеъдодига ягона ифода деб, шеърга шўнғиб кетганини унинг ўзи ҳам билмай қолди.

Зотан қайси санъаткор билади: қандай қилиб ҳаётда ягона ўз ҳақиқий йўлини топиб олганини? Назаримда қонингда оқ ва қизил қон заррачалари оқимида яна битта заррача бўлар-у, ўша табиат тухфа қилган бахтиёр, нодир куч шароит тақозо қилса ўзи бошлаб киради ўша йўлга. Ҳалима яшаган шароит, замон нақ зарралар катта қудратга, куртаклар чинорларга, ирмоқлар дарёларга айланадиган гуркираш, ўзи айтгандай дориламон шафақлари ол, уфқлари нурдан яралган замон.

Ҳалимани ҳаваскор шоира деб атаганимизни эслолмайман. Ҳатто бундан олти-етти йил муқаддам Мирзачўлдаги колхозлардан биридаги учрашувда таништирганларида ҳам уни ҳаваскор шоира деб эмас, унча-мунча шеър ёзиб юрадиган мактаб ўқувчиси деб таништирган эдилар. Шеърларингни менга юбориб тур, деб қайтдим. Анча муддатдан кейин келган шеърлар мени ҳузурли бир ҳаяжонга солди. Бу шеърлар журнал, газеталар редакцияларида қувонч билан қабул қилинди. Уша ҳаяжон, ўша шодлик тўлқинлари кенг китобхонлар юрагига жуда тез йўл топиб кетди.

Сабаб? Шеър — туйғулар, ҳаётдан олинган таассурот ва тафаккурлар меваси! Туйғу-ҳис эса Ҳалимада шу қадар яхлит, қуюнларга ютилиб кетмайдиган, шу қадар ҳақиқий каттаки, кўзларида офтоб ёниб, саратон кезади қонида. Менинг шунчаки куйлагим, шунчаки ўйлагим келмас, мен куйлаганда овоз пардаларим чидам берса бас! Шунчаки ёзмақ бу — шоирга ўлим! Юрагимда боғлар яратаман, илк ниҳоллар куртак ёзаяпти, гуркираб қад кўтараяпти юрагимда боғ! — деб ёзади шоира.

Биз Ҳалиманинг шеърларини ўқиймиз: деҳқончасига содда ва сахий табиатдай сержилва ва тупроқдай, ғадир-будур покиза иборалардан ифодасини топган ўша туйғуларни ўқиймиз. У бизни ҳам ўша туйғулар гирдобига тартади, бизни гўзалликлар, завқларга, юлдузлар сўзига, барглар шивирлашига ҳамдам қилади. Демак ҳақиқий шеър ўқибмиз.

Ҳалиманинг шеърлари кўпинча ҳар жиҳатдан тўлиқ, ҳақиқий, лекин ҳечқиси йўқ! Туйғулар, таассуротлар, фикрлар суронидан энтикканидан баъзи беўлчов, на вазнга, на қофияга бўйсунувчи мисралар — вулқондай отилганча, учқундай сачраганча, шалоладай тўкилганча қолади шеърларда, уларга пардоз берса, гўё илк яралишдаги латофат, бокираликка озор етадигандай! Зотан ҳақиқий шеърни ўқиганингизда сизни аниқ ўлчовлар эмас, ёнган оташ юрак,

туйғун фикрлар етаклаб кетади. Менга Ҳалиманинг табиатан зийрак, зеҳнли ҳаёт неъматларига ўта чанқоқлиги, кузатувчанлиги ёқади. Менга унинг ҳаётда кишининг зеҳнини тўнглаштирадиган, кўзини хиралаштирадиган ва табиатнинг энг қиммат саховати бўлган вақтини беҳуда ютиб юборадиган майда-чуйда, икир-чикирлардан узоқдалиги ёқади. Менга Ҳалиманинг ҳаёгга, юрагига, ҳис-туйғуларига: фикр ва ўйларига садоқати ёқади. У ўйчанлиги ва қувноқлиги бахтиёрлиги ва бахтсизлиги, туйғунлиги, энг муҳими ёш қўшиқларида энг тўғри — Совет шоири йўлида собитлиги билан шеърларида намоёнлиги ёқади. Заиф риторикалардан узоқлиги ёқади. Зотан шеърят, санъат ижодкорлардан бутунликни, фидоийликни, самимиятни талаб қилади. Шулардан чекинганингда санъат ҳам путурга учрайди. Шоира узоқ вақт маълум мавзулар даврасида қололмайди. Лекин деҳқон қизи Ҳалима мана, дорилфунунни битирди, унинг кўзига, истиқболига беқиёс катта жаҳон очиқ. Мавзулар доираси кўлами аллақачон кенгайиб кетиши зарур эди. Саноатимиз, фанимиз, техникамиз кишилари — ўз замондошларини куйлаши керак. Бу — ҳар бир қалам эгасининг гражданлик бурчи.

У темир қанот ҳамма ёш истеъдодларимиз сингари адабий жамоатчилик ва китобхонларнинг ардоқли назарида. Ҳалима бундан бахтиёр. Мен ўйлайманки, ҳаётда ҳамма қадами, қалами жиддий Ҳалимани бу ноёб бахтиёрлик туйғуси — истеъдоднинг оёғига болта урувчи бемаъни кибр офатидан омон сақлайди.

Ҳалима, ҳали ҳаёт ва биз — адабиёт жамоатчилиги сенинг ўстингга кўп вазифа ва бурчларни юклармиз, туйғун тафаккуринг қураётган тоғлар нурамасин, ҳозирча қўриқ юрагингдан очаётган боғларинг серҳосил бўлсин! Сен бахтиёрсан, сенинг янги шеърларингни китобхонга ҳавола қилишдан мен ҳам бахтиёрман.

З У Л Ф И Я.

21.11.72

Ўзимизнинг боғлар

ҲОВЛИЛАР

Ҳовлилар атрофига урмангиз девор,
Очиқ қўйинг эшик, деразаларни.
Кўзларимиз кўриб турсин, атрофда не бор,
Кўрмоқ учун яратган ахир уларни.
Девор урманг, токи ўз ҳовлимдан туриб
Сизнинг ҳовлингизни кўра олай мен.
Хоҳлаган пайтимда кира олай мен.
Қўймангиз темирдан дарвоза қуриб.
Қиндан чиқмай қолган ўткир пичоқдай,
Уйдан чиқмай қолсак занг босар бизни.
Ва дўсту ошносиз қолиб у чоқда,
Суямиз, ёлғиз уй ва ўзимизни.
Йўқ, йўқ, қайноқ юрак тошар, интилар
Қайгадир, майли ким не деса десин.
Қайғусин, қувончин бўлишгим келар,
Ўзимнинг, сизнинг ҳам унинг ҳовлисин.
Ҳовлилар! Қуёш нурларига йўғрилган.
Учоқларда ёнган олов азиямас кимга?
Истайманки, уйингизда тонгда туғилган
Чақалоқ йиғиси келсин менинг ҳовлимга.
Шунда менга туғилди деб сингил ё оға,
Нечук сиздек хушбахт бўлиб суюнмайман мен.

Ватан ўзи бир-ку ахир, шундай бўлгач нега
Сизнинг кулфат, ғамингиздан куйинмайман мен.
Онангиз кўз юмганида фарзанддай куйдим.
Сиз қабрга қўйдингиз синглим жасадин
Шу қўпол, заҳматкаш қўлларни суйдим —
Наҳотки — шу қўллар девор ясади?!

Истайсизми, не кунларни кўрмас одамзод
Кун келиб ҳовлимда бўлса аза, ғам.
Дилхушлик базмини сиз қилиб кушод —
Бахтли яшамоқни ўша дамлар ҳам.
Ҳовлингизда ётса кимдир жон талашиб,
Сиз унинг оғзига сув томизган дамлар,
Мен куйлай берайми ўз уйимда қўшиқ
Оқибат, оқибат шуми, эй одамлар!
Ҳовлилар тўсилмасин четан девор билан,
Қуёш чиқар ёққа очинг эшик, деразаларни.
Инсон — ахир бу қўшиқнинг пардалари баланд —
Деворлар ажратмасин уларни!

ЎЗИМИЗНИНГ БОҒЛАР

Дунёнинг қай бурчи, йироқ боғларда,
Олмалар қизарар бетиним.
Хазонрез хаёллар босган чоғларда,
Мен тиниб,
Воз кечиб ўйлару ташвишдан
Қачондир боғларда ғарқ пишган
Қип-қизил олмаларни эслайман.
Оҳ, бизнинг боғларга баҳор келган кез,
Гўдакдай тез,
Тошқиниб гуллади олмаларимиз.
Қуёшнинг нуруни бориचा ичиб,
Шу қуёш нурича лаззатин кучи
Бўлгандир эҳтимол, сезмагандик биз.

Тотиб ҳам кўрмадик баъзисини лоқайд,
Отдик баъзисини гишлаб бир, икки.
Биз беғам, сезмадик, ҳатто қайси пайт
Ўча бошлаганин боғларнинг кўки.
Ва лекин бу баҳор, беминнат яратар
Баҳор, яратувчим, сенга минг қуллуқ.
Уфқларда қуёш
Ҳеч гап бўлмагандай қип-қизариб ботар,
Бағрида олов бор, аммо зарда йўқ.
Яратувчим, яна яратар бегумон,
Бизнинг кўҳна боғлар шундай гулласинки,
Қон рангида қизарсин олмаларимиз.
Рангги қонинг қиздириб, қуритсин тинканг.
Бунга-ку ишонч бор, кўк майса дийдорин,
Қуртаклар бўртигин қўмсамайди ким?!
Баҳор-ку тўкади аямасдан борин,
Аммо, баҳоргача, узоқ-да, дўстим.
Майли,
Боғлар гул очсинлар, безавол, қулф уриб,
Улар ўз ватанин буркарлар нурга.
Ўзга чаманларнинг гуллашини кўриб,
Ўзимизнинг боғлар тушар хотирга.

ЙИГИТ ҚАДАМ ТАШЛАРКАН

Йигитларни куйламоқлик эриш туюлар чоғи,
Дилбар, нафис шеърга ўзи қовушмайди йигитлар.
Гулга кирабошлар экан уларнинг кўнгил боғи,
Қуёшда чатнаб ўсадир унда ёввойи ўтлар.
Дашт гулидай ўсар улар ҳар ёнга шох ташлашиб,
Бақувват ҳар шохларки, қайириб, буриб бўлмас.
Қийқиришиб боғларга киришсами бошлашиб,
Қаҳ-қаҳ садоларидан чўчимай юриб бўлмас.
Инсон панжасими у ёки шер панжалари,

Қўллар бир хил майин-ку, туғилганда, йўргакда.
Пайт келиб, биз титратиб, шу шернинг панжаларин,
Гўдакдай қувонамиз, қуш учирган гўдакдай.
Юраклар, у юракмас, дугонажон, асрангин,
Учқун тушса куйдирар, унда ёнган ўтлардан,
Гарчанд биз деб ҳамиша бахт, борлигин асради,
Ҳайиқмай бўлмас ахир, ул асов бургутлардан.
Тортиниб ўтмоқ тақдир, бизга улар дастидан —
Маъсум тортиб, атиргулдай, чирой очиб дам-бадам.
Токи олис юлдузларнинг чақноқ нури остида,
Одам ота зурриёди — йигит ташларкан қадам.

ЮРАГИМДА БАРГЛАР ШИВИРИ

Ўз дунём ичида боғларни яратдим.
Сўлиб битдилар.
Тафаккур кучидан тоғларни яратдим.
Нураб кетдилар.
Боғларим ўрнида хазонлар супурдим.
Барг, хазон.
Тоғларим ўрнида тепалар, жим турдим.
Дилда қон.
Куйдим мен, аммо кул бўлмадим, қайталаб
Тупроққа тўқдим мен, манглай тер, дил қоним.
Майса, кўк майсалар унда зап,
О, жоним!
Қийнадинг дейсанми, тўғри-ку,
Уйласанг менда ҳам гуноҳ йўқ,
Шу кичик-юрагим бўлса қув,
Яшасак беғалва, кўнгил тўқ.
Бегона, ташвишу, жабрга,
Уйқуда ўтса ҳам умр бир кун
Кетмоқ шарт, сўнгги уй-қабрга.
Шундай ҳа, маҳкам бўл, сен жоним.

Елкага
Ҳали кўп юкларни юклармиз,
Кўп хазон боғларни тиклармиз,
Кўтара олмасмиз юкни гоҳ,
Ва ёки туйғумда қулар тоғ.
Шунда яна янгидан
Тафаккурда тоғлар яратишимиз,
Сўлган боғлар ўрнида, яшил-яшил
Дарахтлари шовуллаб турган боғлар
яратишимиз керак,
О, менинг қаттиқ жоним!
Ишонаманки,
Сен чидаб берасан бу талабларга жим.
Юрагимда барглар шивирлаётганга ўхшайди,
Демак,
Яратилажак безавол боғларимнинг
Илк ниҳоллари куртак ёзаяпти,
Боғлар гуркираб қад кўтараяпти юрагимда,
Барглари яшил-яшил боғлар...

БИЗНИНГ ТОҒДА

Тоғ бошида рўмолим қолди,
Ўша-ўша тинчим йўқолди.
Дуч келади унга қай овчи,
Қайси сайёҳ, қайси йўловчи.
Тоғ бошида рўмолим қолди.
Қим бор эди, у этди насиб,
Ўтмадимми оҳулар босиб.
Қолмадимми ёмғир остида,
Сархуш, тоғнинг баланд-пастида,
Қим юрганди, у этди насиб.
Қундуз телпак кийган чавандоз,
Ҳадик тортмай юрагингни ёз.

Отинг нечун гижинглар бу пайт,
Рӯмолимни сен олдингми, айт?
Қундуз телпак кийган чавандоз.
Учқур бўлар тоғ йигитлари,
Яна рашкчи уларнинг бари,
Сен улоқда ўзгил улардан,
Бир йигитдай рашк ҳам қиларсан?
Учқур бўлар тоғ йигитлари.
Огоҳ бўлгил яна бир сирдан,
Сен курашга тушарсан қирда,
Совриндорни йиқитганинг дам,
Отам сенга қилгайдир карам.
Сен курашга тушарсан қирда.
Шу шартларни бажарсанг ўғлон,
Жайрон кўзга фидо бўлсин жон.
Сўнг рӯмолим олсанг майлига.
Бизнинг тоғда қолсанг майлига.
Шу шартларни бажарсанг ўғлон!

ҚОР УЧҚУНЛАЯПТИ

Гарчанд қиш, қаҳратон, аёз санчар тиг,
Қалинлашиб борар ўнгирларда қор.
Қиш нафаси совуқ, ранглари тиниқ.
Тиниқ ранглар дилдан тарқатар ғубор.
Яланғоч бўлса ҳам дарахтлар бугун,
Куз яшил либосин олса ҳам ечиб;
Эртанги кунини кутарлар мамнун,
Эртанги кун баҳор, яшил тўн бичиб
Уларни сийлайдир...
Ҳозирча қор ёғар, ер оқармоқда,
Беун қўнар ерга қор учқунлари.
Дилим тошқин ҳисга тўлиб бормоқда,
Эшитаётирман қор шовқинларин.
Оқ қор учқунларин остида бу дам,

Чавандоз чолларга улоқдир талаш.
Гўдакнинг оқ дилин кўряпман унда,
Кўряпман кулгусин, йиғи аралаш.
Минг йиллар олдин ҳам ёққандир бу қор.
Худди бугунгидай севганлар уни.
Унда минг йилларнинг шавқ, суроин бор,
Минг йилларнинг ўртар азоби, хуш.
Шунданми,
Суюкли бўлгандай, баъзан хунук қиз,
Совуқ қаҳрила-да тортар бизни қор.
У беовоз куйлар, биз-чи тинглаймиз,
Унда минг йилларнинг завқ-ҳасрати бор.
Қор учқунлаяпти, ер оқармоқда,
Дўстим қара, бу дам қандай дилбар, шан.
Дилим тошқин ҳисга тўлиб бормоқда,
Мен сени қор билан қутласам дейман!
Қор учқунлаяпти!

БИЗ ОЛМАМИЗ ~

Биз олмамиз шохлардаги, тўкмасинлар, айтингиз.
Дарё бўлар кўз ёшимиз, чўкмасинлар, айтингиз.
Вўрмиз ҳали айтингизки, ғўр мевани узмайлар,
Гўдакнинг ҳам тонгги ширин уйқусини бузмайлар.
Айтингизки яна, бизлар энди қўшиқ бошладик,
Эшитсинлар ахир уни қулоқ бериб одамдек
Қўшиғимиз тинаётган у қалбларни этар ром,
Эсга тушар ойдин кеча, оқ юзли қиз, сархуш жом...
Чалғингизни чархлаб қўйинг, бизнинг қўшиқ
чархлоғлиқ.
Бундан сўнгги ҳаётимиз ўша қўшиққа боғлиқ.
Куйламоққа қўйиб беринг, куйлай олмасак жўшиб,
Уриб олинг бизларни ҳам ўша қўшиққа қўшиб.
Биз олмамиз шохлардаги,
тўкмасинлар, айтингиз...

Үн тўрт ёшли қизча ўсма қўяётир,
 Эплай олмаётир оқизиб ҳар ён.
 Қизча, ҳафсала қил, бир дамгина ўлтир,
 Бунча типирчилаб, қийнамасанг жон,
 Хаёлин банд этар, ўртоқлари, ўйин.
 Қизча унутади ҳатто ўсмани.
 Уни қўяр эдим, оҳ, ўрнига қўйиб,
 Үн тўрт ёшли пайтим қайтсайди, қани?
 Севилган қиз мактуб ёзаяпти ана,
 Бунчалар шошилишч, бунча пала-партиш,
 Унинг думбуллигин қилмайман-у, таъна,
 Бўлмасайди бу ҳол мен учун бир туш.
 Қўз ёшимдан сиёҳ қилар эдим қуюқ.
 Киприк билан ёзиб битказар эдим.
 Ва бу ўт мактубни ул кўзлари қийиқ
 Йигитга пинҳона етказар эдим.
 Ой жарангсиз қўшиқ айтаётган палла,
 Аёл алла айтар, бир алла, жарангсиз.
 Беланчакда, оппоқ, бир қучоқлик бола,
 Тўхтангиз, аллангиз бунчаям рангсиз.
 Унда дунёнинг оқ қўшиқлари йўқдай,
 Анқимаётгандай оқ сутнинг ҳиди.
 Ҳам масту ҳам маъюс куйламаётир най,
 Ўрнингизга мени қўйсангиз эди!
 Бир алла айтардим, само чарақларди,
 Юлдуз уйқусига тушарди ўгри.
 Шунда мен боламга дунёнинг бор дардин
 Қуйлардим алла-ю, сутга йўғириб.
 Алламда боламнинг мурти сабза уриб,
 Отасига ўхшаб вояга етарди.

Вояга етарди.

Бир кун у мен билан хайрлашмай туриб

Сафарга кетарди.
Мен алла айтардим...
Оҳ уриб куйлардим, оҳ, ўғлимнинг, йўли...
Чангал, тошлоқ эди, оёққа ботарди.
Оёққа ботарди.

Оҳ уриб куйлардим,
Ўғлим эса ўғлим...
Ул беланчагида бир қучоқлик бўлиб
Ухлаб ётарди...

ШУНЧАКИ

Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл — шароб мисол, қилсин сархуш, маст
Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса бас.
Қўлингга тушаркан жажжи чақалоқ,
Шунчаки севмоқда қандай лаззат бор.
Керак чинқиртириб ўпиб, тишламоқ,
Биз ҳам гўдакликда топганмиз озор.
Шунчаки севилмоқ — бахти қоралик,
Тўла толе учун бу кемтик, бу кам.
Менинг қалбим шундай севгига молик,
Бир чарсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам.
Оҳангга шунчаки солмасдан қулоқ,
Таржима қилиб ёз, сим садоларин.
Ахир булоқмасмиш тоғдаги булоқ,
Кўз ёшларимиш у ишқ гадоларин.
Шунчаки кулмоқ ҳам истехзодек гап,
Бирдан қаҳ-қаҳ урай, чўчиб кетсинлар.
Бошларига осмон тушгандай қулаб,
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.
Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,
Уни эплар фақат юраги тошлар.

Шундай йиғлай, ҳожат қолмасдан сўзга,
Қурғоқ кўзлардан ҳам қуйилсин ёшлар.
Шунчаки ёзмоққа, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ бу — шоирга ўлим.

ОППОҚКИНА ЧАҚАЛОҚНИ

Опоқкина чақалоқ, ҳей, суймоқ истайман,
Сени қийнаб, отиб-отиб осмонларга.
Яшаш ишқин юрагингга қуймоқ истайман,
Ўргангин сен биз яшаган бўстонларга.
Саҳроларнинг қуюнидан чўчиб юрмагин,
Қуюнларга қуюн бўлиб келтиролгил шак.
Кўчманчидай қўним билмай кўчиб юрмагин,
Бир далада кўкаргин сен бизларга ўхшаб.
Олмаларни ювиб, арчиб, сўнггина емоқ
Ёқмас менга, гарчанд бу иш ақлли, маъқул.
Шохдан ўз қўлинг-ла узиб, карс-курс чайнамоқ,
Карс-курс қилиб чайнамоқдан лаззатлана бил.
Қара, юм-юмалоқ кичкина ер шарин табиат
Дарахт шохида ярагган, сеҳр беркитиб.
Олма қизилланар, қон ҳам қизиётган пайт,
Уни қизартмоқда бобо қуёшнинг ўти.
Бир чанқоқлик ортиб борар тапингда санинг,
Бу ҳаётнинг қадаҳини ким тўлдирибди,
Нимадир бу, сувми ёки қуёш ичганинг?!
Қара, дарёда бир оқ гул ёниб турибди.
Имлашини қўймас у гул сени толдириб,
Етдим десанг яна чорлаб сузар йироққа.
Бетипггина олам сари боряпсан кириб,
Сен ҳам кимнидир тинчини ўғирламоққа...
Опоқкина чақалоқни суймоқ истайман,
Қийнаб-қийнаб, отиб-отиб осмонларга...

Она, сени шарафлайман!

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!

Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол.
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».
Сўлғин-сўлғин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинангга тирак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон қуёшга боқ, унга қасдма-қасд.
Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш.
Кўзларингда умид ёнар тикилган они.
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
Қизғиш, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.
Яшамоқ — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.
Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,


Ризқдир бизга, ризққа доим дил илтижликдир.
Ўғлонларинг келар ана, очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.
Онагинам!

Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

ОЛҚИШЛАШИНГ КЕРАК

Дўстим, сен мени олқишлашинг керак...
Ҳар мушкул, ташвишингга ҳамкорлигим учун.
Шўхлигим, қўшиғингга жўрлигим,
Заифлигим, гоҳо ғўрлигим...
Хуллас, бу дунёда борлигим учун
Олқишлашинг керак!
Яна сен билан бир ҳаводан нафас
олаётганлигим учун.

Фараз қил, сенларга қолди бу ер юзи—
Яъни ёппасига эркаклар зотиға.
Унда аччиқ билан бутунни ҳам бузиб
Ташлармидингизлар?
Қамчин урармиди дағаллик отиға?
Ўшанда бир уйга йиғилсангиз тўла,
(Ҳаво ҳақида ҳам бежизмас сатрлар)
У уйда уфурмас димоққа атрлар.
Чала пардозга ҳам қилмассиз ҳафсала.
Сиеҳ ранг райҳоннинг муаттар ҳиди — мен.
Гоҳ сенинг олдингда сал эгик бошим билан,
Ўсмадан сув ичган қоп-қора қошим билан,
Гоҳ қувончдан,
Гоҳ ғуссадан
Марварид доналаридай дув тўкилган
кўз ёшим билан



Сенинг асов отдай
Учқур ўйларинг тизгинини
Қўлга ола оламан.
Мен сенинг ғазабда шерлигингга аминман
Қодирсан дунё юкин кўтармоққа елкада.
Қанча ботир бўлсанг ҳам
Мен жисмонан заифанинг қошида ожизсан сен.
Гоҳо қаршимда мағрур кўзингда ёш қалқади.
Дунёда аёл борки, гўзаллик, назокат бор.
Сен мендан ҳайиқасан.
Ажабо,
Наҳотки, гўзаллик ҳайиқтирса.
Айт, бағритош йигитнинг ҳам дили эриб кетмасми,
Қаршисида қизил гулдай аёл нозланиб турса.
Аёл истайдики, ерда ҳаёт сўнмасин сира
Аёлни қутламоқ шарт —
Гўдак кулгуси учун.
Хаёлингни ҳар ёндан олганман
Тўрдай ўраб
Нозик, чайир ип билан —
Узмоққа етмас кучинг.
Дўстим! Шундай, сен мени олқишлашинг керак.
На ғалабам, на бир шунқорлигим
Ва на фавқулодда бахт,
Ҳеч бири учунмас —
Шунчаки сенинг ёнингдалигим,
Ер юзида борлигим учун
Олқишлашинг керак!

УЛАР СЕН ҲАҚИНГДА КУЙЛАДИЛАР, АЁЛ!

Улар сен ҳақингда куйладилар, аёл,
Ишга солиб бор завқ-эҳтиросларини.
Бироқ бу қўшиқлардан сен қолмадинг лол,

Шунчаки тингладинг уларнинг барини.
Улар сен ҳақингда куйладилар, аёл.
Ўзларича манун, «кўтардик» деб кўкка.
Аммо сен лаб очиб, жилмайгандинг хиёл,
Бор мақтов, лофларни чиқарди у йўққа.
Улар «майин, гўзал», дея кўз-қошингни,
Сен ҳақингда обдон ҳикоя қилдилар.
Сен мағрур тикилиб, кўтаргач бошингни,
Нигоҳинг ўтида қоврилди улар.
Улар ўйлар кўпда ёқимли баданинг
Хуш атир исларин таратишини.
Унутиб қўярлар улар гоҳо сенинг
Бола туғишингни, яратишингни.
Сенга икки дунё нақд бир тутам бўлиб,
Гўдагинг оламга келаётган дам.
Дунё учун фарзанд туғиб, ўзинг бир ўлиб
Ва бир тирилганда, кўзларингда нам.
Сенинг курашингни, мардона курашингни
Сержаранг қўшиқларга солмади улар.
Аммо қарашингни, назокатли қарашингни
Улар виқор билан ҳамон талқин қилар,
Эртанг яна серхосият, ўғлонинг улғаяр,
Бўйи ўктам отасига етар сал кунда.
Балки кўҳна дунёга у сенинг номинг ёяр,
Пироқлатар сени у сийқа талқиндан.
Ҳа, сенинг чиройинг, ғурур курашинг тенгсиз,
Инсон яратдинг сен бу кун тонг маҳали.
Энди тан олурлар улар, мамнунлик ўринсиз,
Куйлай олишмапти сен ҳақингда, ҳали!..

ОҚАРИБ БОРМОҚДА ОНАМ, СОЧЛАРИНГ...

Оқариб кетибди, онам, сочларинг
Айтгил, нелар учун ўртадинг бағир.
Мен чироқ бўлдим у шуъла сочмадим,

Ёнингда бўлмадим онажон, ахир.
Сенга чала-чулпа ёзганим хатда,
Тубсиз ташвишларим бўлади тўлиқ.
Қизларнинг кўплари шу хил одатда,
Нени бўртдирарлар, нени қилар йўқ.
«Дарс қийин, китобдан кўтармаймиз бош»,
Хатларнинг мазмуни деярли шундай.
Бу сўзларни эслаб, тортмаймиз ҳам ғаш,
Уйин-кулги билан ўтган кун-тунда.
Сенга хат ёзаман онажон, тайин:
«Бугун тонгга қадар дарс қиламан, дарс...»
Кечда... базм шавқидан кечмоқлик қийин,
Деворлар шовқиндан кетиб турса дарз.
Хатимни оларкан ўқиб ҳар бора
Дейсан: «Бўлгандиров унинг ҳоли танг,
Қийналиб кетди-ей, болам бечора.
Сарғайиб, ранггида қолмагандир ранг».
Кейин сен ҳам менга йўллайсан мактуб.
Пахта баравжлигин ёзасан аввал.
Сўнг «боғ ҳосили ҳам йилдагидан кўп»,
Эринмасдан бир-бир санайсан тугал.
— Пиллага мукофот катта бўлди,— деб
Энтикиб ёзасан онажон менга.
Аммо, уни олдинг сен қандай қилиб,
Бу ҳақда бир оғиз жумла йўқ нега?
Менинг кўз ўнгимдан кетмайди нари
Азобин сездирмай қилсанг ҳам удда.
Уйқу куч кўрсатиб, ярим тунлари
Қалқиб кетганларинг сўри устида.
Онам, эй, табаррук аёл меҳнати!
Олқишим сенгадир, сени қучсин шон,
Борлигинг дунёга армуғон этиб,
Сен кетиб борасан қийнаганча жон.
«Толиб қолгандирсан...»— куйиниб, койиб,

Хат ёзсам, жавобдир шу икки сўзннг.
«Соф бўлсанг сақлайман деган худойим,
Қизгинам бу омад, омаднинг ўзи?»
Сендан йироқларда эслайман тўлиб,
Юрагим ачишиб, буларнинг барин.
Мен учун ҳам фахр, ҳам армон бўлиб,
Оқариб бормоқда, онам, сочларинг...



Қизғиш ёнар уфқнинг кунгуралари,
Қизғиш нур остида олча гуллайди.
Гулин кўзга суртиб кетаркан нари,
Онам ҳосил учун омад тилайди.
Мен ҳам бу дам хушбахт, завқ майидан маст
Онам, олча гулин ўпаман бир-бир.
Улар менга мангу берилган эмас,
Онам ҳам, олча ҳам ғанимат ахир.
Умр овчиси бир кун ўқ отар лоқайди,
Менинг оҳимга у қулоқ солмайди.
Балки ўрта яшар бўларман у пайт,
Ва балки оғзимда тишим қолмайди.
Билмайман у қачон, аммо ушбу дам
Мени кўкка отар қувонч қўллари.
Жондан ортиқ менга бу кўҳна олам,
Оқ соч онам, қизғиш олча гуллари.

ТУШИМГА КИРИБСАН...

Онажон...
Бийрон қизча эдим, сенга сал ўхшаш,
У вақтлари тутқич бермасдим сенга.
Тенгдош ўртоқларим ўйлардим яккаш,
Улар кирар эди ҳар вақт тушимга.

Ғашимга тегишиб қилиб мени хун,
Қўшни болалари сочим тортарди.
Келар эдим лойга ботиб кечқурун,
Унда ҳар куни сенга ташвиш ортарди.
Улғайдим, бир қарич сочим бир қулоч,
Кўзларим гоҳ сузук, гоҳо ёшланди.
Кимлардир тикилди нигоҳлари оч,
Нигоҳдан тортиниш менда бошланди.
Таъсир қилмас эди ҳушёр бўл, фарқ қил
Одамларни, деб сен қилган ўғитлар.
Шовқин, базмларга ошиқарди дил,
Тушимга кирарди шўхчан йигитлар.
Йиллар ўтди, кимдир қаддимни букиб,
Ҳасса таянтриб, белим толдирди.
Қундуз қошларимни рашк билан тўкиб,
Ўрнида саноқли туклар қолдирди.
Энди...

Энди сени ўйлайман беун,
Қўмсаб ҳузурингга чопаётирман.
Онам, сен кирибсан тушимга бу кун,
Тушимда оёғинг ўпаётирман.

* * *

Кимдир ўрмак тўқир...
Онам ўрмак тўқир, бетин эрта-кеч
Қишлоқ аёлларин удумин қилиб.
У баъзан шиддатли солганда қилич,
Нимжон иплар кетар чирт-чирт узилиб.
Ҳаёт — худди ўрмак, иплар эса — биз,
Ўрмакни тўқийди кимдир бетиним.
Пишиқ йигирилган бўлсак-ку дуруст,
Хом ипдай узилсак бу оғир, иним.

Қалбингга чорлайсан

ЖУФТ ШҰХЧАН КҰЗ...

Ойдин кеча. Юлдуз милдирар,
Ойдин кеча. Чарақлар само.
Жуфт шұхчан кўз мени ўлдирар,
Яна ўзи тирилтар аммо.
Севмасам гар улар боққан тоб,
Оғир гуноҳ, кўзга қўнгай гард.
Севсам бўлмас ўтига чидаб,
Оҳ, ўртоқжон, бу қандайин дард?!
У чақнаса менга тинчлик йўқ.
У чақнаса дудсиз куяман.
Чақнамаса мен ғамга тўлиқ,
Чақнамаса қора кияман...

Қўкда юлдуз маъсум милдирар,
Пастда жуфт кўз мени ўлдирар...

* *
* *

Мени унга «бунда бор» деманг,
Дийдорингга ташна, зор деманг.
Аллақачон келар экан-у,

Пўл тўсармиш, гурур, ор деманг.
Майли, бунда мени бор денглар,
Қўлларида сайроқ тор денглар.
«Севилгандай нигоҳи сирли—
У тинч эмас, бир гап бор» денглар.

Шунда ўзи излаб келади,
Ўзузимга бўзлаб келади.

* * *

Тақдир улаганда умрлар занжирин—
Ногоҳда рўпара бўлдиқ иккимиз.
Тушунмай яширин қалбларнинг сирин,
Ҳиссиз, йўл бошидан бирга тушдиқ биз.
Буни тилим билан олмасам ҳам тан—
Биласан, юрагим бегона эди.
Уларни мен бу тун қуёш ботганда,
Эсдалиқ дафтарга ёзипман энди.
Кўзимни чирт юмиб сени эсласам,
Қийнайди ўтмишнинг ўкинчи, дарди.
Беихтиёр қалқир кўзларимда нам,
Ўйлайман «севарди, севсам бўларди».
Биласан, йўқ эди дилимга ҳоким,
Уни ўзига биров этмаганиди жалб.
Мағрур, қушдай эркин эдим ва лекин,
Шунингдек сенга ҳам беролмадим қалб.
Тушдай ўтиб кетди бугун ҳаммаси,
Юракни фойдасиз ўртамоқ нечун.
Ўтди, аммо дилда қолди чамаси
Азоби, ўзим рад қилганим учун.
Бу чигал хатони тузатолмайман,
Тундай юрагимни очаман тунга.
Энди-ку сенга қўл узатолмайман ,

Хайрлашолмайман ҳам мангу-мангуга.
Нурли тонг оқарар, тун бўлар охир,
Сенга тилакларим шу тонг каби оқ.
Қизиқ, гоҳ бахтинг ҳам мен учун оғир,
Бахтсизлигинг эса, яна оғирроқ!

* * *

Сенга барча отилган тошлар,
Таъналарга мен ўзим, сабаб.
Мен сабаб сен тўккансан ёшлар,
Ғам ўтида бўлгансан кабоб.
Ўғирладим ороминг йиллаб,
Тошқин юрак сен келганда жим.
Юрдим сенга ўзга бахт тилаб,
Ўзим сендан бегона эдим.
Кўз ёшларинг хуни бўйнимда,
Отма, тегар қарғишинг тоши.
Биз тақдирнинг шўх ўйинида,
Ўйнай-ўйнай кетдик адашиб.
Турмуш боғи бўлмасдан гуллаб,
Ёғди унга қайта-қайта қор.
Барчасига кибор қалб сабаб,
Барчасига ўзим гуноҳкор.
Умр балки шодумон ўтар,
Балки... кўргум бошда борини.
Бироқ,
Сен қарғама, қарғишинг тутар,
Кўз ёшларинг сабабкорини!

* * *

Учган ўтни ёндирма қайта,
Ёмон, ёмон унинг ёниши.
У қизишиб, гурлаган пайтда,
Мушкул уни ўчирмоқ иши.

Илтимосим, қайта ёзма хат,
Ўйнатмасин юракни нидо.
Биз бир фурсат бўлганмиз улфат,
Ва мангуга айтганмиз видо.
Айбдор сенми ё мен гуноҳкор,
Суриштирмоқ пайтимас, дўстим,
Ёз-у, бизнинг дилга чўккан қор,
Дил қорини ким кўрибди, ким?!
Кўникканман энди барига,
Энди мен шод қўшиқ айтаман.
Эътиқодим занжирларига,
Зарб теккизма, энди қайтадан.
Кеч гуллаган экинлар совуқ
Изгиринда бўладир нобуд.
Қайта ёқма сен ҳам ўтни, йўқ,
Кул қиладир бизларни у ўт.

КУЗЛАРИМГА

Юлдузларим, жонсарак қушлар,
Юлдузларим, алангали ўт.
Ўтлантирар сени ишқ, тушлар,
Тундлантирар серзарда булут.
Эҳ-ҳе, ҳали кўргилигинг кўп.
Ярим йўлда тортмагил хира.
Умр осмоним кўкида тўлиб,
Чақнашингни истайман бирам.
Дерлар: «Ана, менинг юлдузим»...
Кўпдир чақноқ юлдуз эгаси.
Ўркиб учма, маржонлар тизиб,
Ўар кимга ҳам у бўлмас насиб.
Юлдузларим — қушлар бегуноҳ,
Юлдузларим, чақна, беомон.
Фироқингда чекиб ширин оҳ,
Фироқингда куйсин оломон.

КЕМАЛАР ТИККАГА ЙЎЛ ОЛСИН...

Сен ҳақда
Юлдузлар куйласа жимирлаб,
Япроқлар куйласа тинмайин.
Завқ билан тинглардим, шуур-ла,
Кўзимга уйқу ҳам қўнмайин.
Ногаҳон
Исмингни айтсалар чопардим,
Севардим оҳ, у хуш навони.
Талпиниб нон каби ўпардим
Исмингни янграган ҳавони.
Ва лекин
Биз йўлга чиққанда, кемамиз
Сурди-ку шамоллар айри ён.
Гарчандки узоқлаб кетдик биз,
Қайтмоқчи эмишсан мен томон.
Йўқ, чекин.
Кемангни бурмагил, қистама,
Дўстгинам, сен ортга қайтма, йўқ.
Мен сенга сарсонлик истамам,
Боқ, ахир кемангда қанча юк.
Уларни
Қилмагил, хоҳишинг қурбони,
Гуллар бор, кутганда очилмас,
Бор эмас ҳамиша имкони,
Тугунлар бўларки, ечилмас.
Дардларни,
Армонни юракдан юлиб от.
Қайрилма ортга-ю, чеккага.
Орада бўлмасин аросат,
Кемалар йўл олсин тиккага...

БИР СЕН ЭМАС...

Бир сен эмас, ё бир мен эмас
Ишқ майини ичмоқни ҳавас
Қилган, ичиб бўлган шўху маст,
Сўнг тахирни чиққач, деган «бас»,
Бир сен эмас, ё бир мен эмас.
Суюмлидир қизлар бари бир —
Тош қалбларни ёққан, ийдирган
Гарчанд кўпни суйган, суйдирган
Қимларнидир доғда куйдирган —
Суюмлидир қизлар бари бир.
Йигитда ҳам эмас ҳамма айб,
Шўх нигоҳлар тузоқ солган дам.
Сирли бахтдан кўзда шавқу нам
Пайти келиб, бу бахт бўлса кам
Йигитда ҳам эмас ҳамма айб.
Ишқ ҳақида оҳ-воҳ қилма, бас,
Севган бир сен, ё бир мен эмас...

* * *

Қиёфанг ҳамиша баҳор яратар,
Ўзингни кўрмасман балки бир умр,
Қиёфанг эзгудир оқ нур таратар.
Юрак бўлганда ҳам дардлардан кўмир,
Тушларим келтирар, сурат, сасингни
Яна келтирарлар кўнглим тўлмагач,
Тушларимдан қандай қувайин сени
Ўнгимда кўрмоққа умид бўлмагач...

ҚОР УЧҚУНЛАБ ТУРГАНДА...

Кўп нарсалар келар эсга, қор учқунлаб турганда,
Кўҳна дунё ёшдир кўзга, қор учқунлаб турганда.

Ғамлар тоши юрагингдан кўча бошлар бирма-бир
 Сен ўзгасан, ҳасрат ўзга, қор учқунлаб турганда.
 Ўй-режалар қушларининг тўдасига отар тош.
 Ғам-ташвиш йўқ ризқи-рўзга, қор учқунлаб турганда.
 Ажаб, сершовқин дунёга атай чўкар сукунат,
 Йигитлар қалб очса бизга, қор учқунлаб турганда...

ҚАЛБИНГГА ЧОРЛАЙСАН...

Сен мени қалбингга чорлайсан,
Келишиб олайлик.
Қўп хушрўй кўринар қалбингдаги боғ,
Унда умид янглиғ ёнар бир чироқ.
Милтиллаган чироқ нурларига
Жим тикиламан,
 хузур қиламан.

Омонат бўлмасин ишқилиб у чироқ,
Синамоқ учунми ёки ҳазиллашиб,
Ё титроқ шуъладан келгандами гашим,
Учириб қўймайин тагин уни мен.
Боғинг хушрўй, аммо ўчмасми кўклиги
Қоғоздан эмасми унинг дарахтлари.
Ногоҳда қуюнлар ёприлган вақтлари
Тўхтата билмасми япроқлар шўхлигин.
Боғинг хушрўй, аммо биласан мен унда,
Авайлаб-авайлаб босмасман қадам.
Саратон кўкини куйдиргувчи кундай
Мен боғингга кириб борган дам,
Шамолим бўлади ўзимга яраша
Ҳарорат, қуюним...
Қаричма-қаричлаб у боғни кезарман
Шодумон, қуюниб.
Меҳмондек кезмасдан,
Шохларни қайириб қоқарман,

Сочилган олмалар меники.
Мевага, чироққа ишонч-ла боқарман,
Энтикиб.
Ушанда чирогинг ўчса гар,
Алҳазар,
Боғингни қиларман мен остин ва устун.
Унда мен йиғламам, сен кўз ёш тўккин мўл,
Темирга, тошларга тўладир,
Мен босиб ўтган йўл.
Кўкатлар унмайдир унда сўнг,
Фиғонлар тинмайдир унда сўнг.
Сен мени қалбингга чорлайсан,
Келишиб олайлик.

* *
*

Сочларимга нигоҳ солмай ўт,
Нигоҳингдан ўйга толгайман.
Сен тасодиф боқарсан йигит,
Мен сочим-ла боғлаб олгайман.

Тасодифдир ва балки ҳавас,
Жилмайиш у бошинг сараги.
Аммо билмайсанки, шу нафас
Қўлгинамга тушар юрагинг.

Мен ғижимлаб ўйнарман ёмон,
Ёндирмаса, қилмас бўлса хун.
Мудроқ ҳислар топмасдан омон,
Чангалимда сўнадир бир кун

Сочларимга нигоҳ солмай ўт...

Қора сочларимнинг тұлқини,
 Тұлғонганча оқар қуйига.
 Муҳаббатнинг сирли ёлқинин,
 Олиб кирган йигит ўйига.
 Балки удир...
 Кўзларимда ёнади офтоб,
 Кўзларимда саратон, июль.
 Бир шўх нигоҳ ташлаганим тоб,
 Ўзга дилда ўстираман гул
 Балки удир...
 Қўлларимдан гоҳо тер, гоҳо
 Келар эмиш кўкламнинг ҳиди,
 Қўлларимга бермай ҳеч баҳо
 Кўзга суртиб у ўпган эди.
 Балки удир...
 Ўсма қўйган қора қошларим,
 Ним қизил, лабларим билан
 Жавдирашим, гоҳ довдирашим,
 Кўзда қалққан ёшларим билан
 Севилдим бирдан.
 Унинг сочи, оҳ, унинг сочи
 Қора, ғайир, ҳам шундай қалин.
 Юрагимда баҳор гул очиб,
 Тортинаман мен кўз тиккани.
 Қалин эмиш менинг ҳам сочим,
 Сочларимга қўли теккан чоқ,
 Титроқ билан кузатаман жим
 У қўлларга киришин титроқ...
 Билмай қолдим... қай бахтли кун
 Ғавго солдим унинг ўйига.
 Қора сочларимнинг тұлқини,
 Тұлғонганча оқар қуйига...

1971.

ЭНДИ У...

Бир ўтда, бир ўтда оҳ ёндим.
Ва лекин
Ҳиссимни яширмоқ истайман.
Қадримни оширмоқ истайман.
Қандай бахт, инондим, инондим.
У мени севади, оҳ, ортиқ
Изларим ўпгудай, ўпгудай.
Бир нигоҳ қилсам бас, мен тортиқ
Изимдан гўдакдай чопгудай.
Чопди у, куйлади сержаранг
Мен лоқайд кўрсатдим ўзимни.
Асаби тортилди кўп таранг,
Гоҳ ёшлар тўлдирди кўзини.
«Йигит ҳам йиғларми дунёда»,—
Тўнимни тескари киярдим...
Ва ғурур кундан-кун зиёда,
У бўлса куярди, куярди.
Шу алфоз ўтаркан кундан-кун
У бир кун «бас» деди барига.
Энди мен куярман, оҳ, дилхун,
У лоқайд юрагим зорига.
Қалқимас кўзида ҳатто мунг,
Бу қандай бедодлик ишқдан сўнг.
Энди у...
Ҳиссини яширмоқ истайдир,
Қадрини оширмоқ истайдир.

Қўмсаш

ОТАМ, МЕНИНГ МЕҲРИБОН ОТАМ

Отам, менинг меҳрибон отам,
Сиз солгунча турмушни изга,
Қор ёғди соч-соқолингизга.
Отам, менинг меҳрибон отам.
Бақувватсиз ипакдай, лекин,
Ипакдайин силлиқ, сулуvmас.
Юрагимда тошар ғулу, бас,
Қандай бўлди бу йилги экин?
Отам, менинг меҳрибон отам.
Уруғ бирдай чиқдимни униб,
Етарлими бу баҳорги нам.
Аввалгидай кўзингиз тиниб,
Кетмайдими толганингиз дам.
Отам, менинг меҳрибон отам.
Мен ўйлайман етарлидир пул,
Тушсак бўлар кинога бирга.
Сиз ўйлайсиз «Яшамоқ мушкул»...
Қўлларингиз някка тиргак.
Отам, менинг меҳрибон отам.
Дўстим билан биз чиқиб йўлга
Чаманларни ошён этамиз.
Сиз кетмонни оласиз қўлга,

Дала томон ҳорғин кетасиз.
Отам, менинг меҳрибон отам.
Серғалаён шаҳарда юриб,
Мен ўйлайман, бу дунё бекам.
Қўлингизни кетмонсоп уриб
Сиз оласиз бирпасгина дам,
Отам, менинг меҳрибон отам.
Уззу-кунда куйлаб, қувлашиб
Қайтарканмиз шўх ҳисларга банд.
Сиз даладан қайтасиз шошиб
Тирикчилик ташвиши билан...
«Емиш керак сигир, бузоққа,
Бўрдоқи қўй еми қолмабди.
Бу кетишда бормас узоққа
Жониворнинг тушади запти...»
Тиришади яна пешана,
Яна кўзлар ўйчан тортади.
Далда бериб ўша пайт онам,
Кўнглингизни сал ёритади.
«Ўйлайвермай кўнгилни ёзинг,
Фарзандимиз тезроқ келсайди.
Қўлга тегса унинг қоғози,
Муртимизни болта кесмайди».
Сиз ўйлайсиз «Ҳа, тез ойларда
Оғиримни қилади енгил».
Мен ўйлайман «бахтим қайларда,
Қайда менинг суюкли тенгим».
Кечиринг мени!
Шу енгилтак ўйлар учун ҳам
Отам, менинг меҳрибон отам.

ПЕШОНА

«Ялпи тўйда ўтмайди умр»
З у л ф и я.

Ҳаво нам, тарқалиб бораркан туман,
Тонгги қуёш меҳрин ерга тўккан дам,
Экинзор ҳокими, қўлингда кетмон,
Эгат олмоқдасан, сен жоним отам.
Сахий ер қат-қатин юшатмоқ учун
Қўпол, чайир қўллар бермоқдадир иш.
Дасглаб шўрни ювдинг, ҳа, кетди ажин
Ернинг манглайдан, бу оддий юмуш
Кунлик тирикчилик, сен учун ҳеч гап.
Мана, қарибсанки сочларингда оқ.
Сен учун ҳам қарзу ҳам фарздай ажаб
Тер тўкмоқ, бу кўҳна ерни ишламоқ.
Қўл, чеҳранг сиёқли шу ерга эга,
Сен рўзгор тебратдинг, бешовқин, секин.
Билмайман, неча бор олгансан эгат
Ва унда неча бор гуллаган экин?
Яшадинг шундай: гоҳ шод, гоҳ асабий
Ҳа, фақат қувонч-ла ўтмайди умр.
Отам, ўзинг олган эгатлар каби,
Бу кун манглайингда излар чуқурдир.
Бўртиб чиққан чайир қўлинг томири,
Кексайяпсан, ҳамон тўксанг-да, теринг.
Қуёш нурин, сенинг кучинг симириб,
Яшариб бормоқда кундан-кун еринг.
Мана, ўктам отам, уруғ ташлайсан,
Келгуси ҳосилдан уруғ нишона.
Бахтимиз, ер бахти учун яшайсан,
Экинзор қиёсин олган пешона.

ДЕҲҚОН ОТАМСАН

Юракда бир орзу, истак гуркирар,
Қаршимда ястанган дала, даладир.
Бу дам ғалати ҳис хушнуд, маст қилар,
Дилни шўх туйғулар қамраб оладир.
Танбаллик уйқусин қамчилаб, ҳайдаб,
Атрофда бир девкор юрганга ўхшар.
Юраклар тер бўлиб тўкилган жойда,
Куйламоқ керакдир, куйламоқ шўх-шан.
Деҳқон отам, сен шу кунга етгунча,
Енгил яшамабсан, куймабсан бекор.
Ризқ-рўзнинг оқ тоғин ҳосил этгунча,
Қора сочларингга ёғибди оқ қор.
Уни кураб бўлмас баҳор, ёз чоғи,
Қайтариб ҳам олмас берган у ҳотам.
Сенинг оқ сочинг-у, оқ ҳосил тоғи
Кўп ярашган аммо, заҳматкаш отам!
Шодумон бўлсанг ҳам обдон толибсан,
Юзларинг офтобда чатнаб, ёрилиб,
Ўзинг ҳам шу ерга ўхшаб қолибсан,
Меҳринг ер меҳрига кетмиш қорилиб.
Куз кезар сендайин ҳориган, чарчоқ,
Сеникидай ёрқин куз чеҳраси ҳам.
Сени, куз шаънини куйлаб хушчақчақ
Тортиқларингизни кўрамиз баҳам.
Дунёда яхши кўп, бўлсин саломат.
Сен эса, сен бошқа...
Бир вақтда оддий, ҳам буюк одамсан.
Ҳамма ҳам номига яраша албат,
Ҳар қалай сен менинг деҳқон отамсан!
Деҳқон отамсан...

ДАҒАЛ ҚҰЛЛАР

Буришиқ, қорайган отамнинг қўли,
Кечмиш бир умрни эслайман қараб.
Кафтда шарт кесилган томирлар йўли.
Чандиқ бўлиб битган ундаги яра.
Шу озғин, кўримсиз, узун бармоқлар,
Онам сочларини силаган бир вақт.
Беўхшов титраган учрашган чоқлар,
Довдираган бошга қўнганида бахт.
Шу қўллар қўш ҳайдаб, буғдой уругин,
«Яхшилик уруги» деб ерга эккан.
Бу кўҳна оламга қилич доврўғини
Таратган ҳам ўша бармоқлар экан.
Умрида билмайин нимадир қўлқоп,
Қаҳратон аёзлар аччиғин ютган.
Элни қийратганда очлигу азоб,
Бурда нонни бўлиб, дўстига тутган.
Баъзан пачақланган дуч келиб ўққа,
Ундан оққан қондан қизарган йўллар.
Ёвуз рақибини бўғизидан бўққан,
Чайир сиртмоқ бўлган баъзан бу қўллар.
Улардан қон, ҳамда нон ҳинди келар,
Ҳар қалай ёқимли улар биз учун.
Биз учун зулматнинг бағрин тилкалаб,
Бу ғадир бармоқлар тўкди қон, кучин.
Ўтга, сувга солди уларни ҳаёт,
Қўллар ҳар мушкулни қила олди ҳал.
Аммо...
Ожиз титроқ турди уларда ҳайҳот,
Оналар тобутин кўтарган маҳал.
Дўстларим, қолмайлик армон доғида,
У қўлларга ҳали кўмагимиз оз.
Елкамизда турган таянч тоғидай,
Шу дағал қўлларга қўяйлик ихлос.

ОҚ ОЛМАЛАР ПИШГАНДА...

(Отам Умматкул Худойбердиевнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман)

Отагинам!

Сиз кетдингиз, қолди кетмон-у, пахта,
Паймонангиз шунча эрта тўлишини билмабман.
Куз келмасдан
Илдизига болта теккан дарахтдай

Сўлишини билмабман.

Эсимда бор, сочингизга илк оқ тола тушган чоқ
Қайгурибман, отам эрта қарияптилар чоғи.
Ногоҳ, сизни йўқотдим мен, оқ олмалар пишган чоқ,
Дилдан кетмагай доғи.

Оқ олмалар пишган кунлар, босди-ку қора ғамлар,
Тополмадим мен отамни — боғ айланиб, ёш тўкиб.
Ҳар йилгидай тикланса-да саф-саф пичан ғарамлар,
Уни ўзи тиклолмади, кетган бўлса-да экиб.
Ташвиши кўп эди ҳали, пичан пишиб далада,
Шохлардаги унга мустар оппоқ олмалар қолди.
Отагинам, оқ олмани севардингиз боладай,
Сизга олма терар қўлим бу кун термасдан толди.
Оқ соқолли боболарни тавоб қилардим-ку мен,
Оқлик кўриб изида.

Сизга отам, мўйсафидлик умрин тилардим-ку, мен,
Тилакларим тўзиди.

Билардингиз уялибми, боқолмасдим сизга тик,
Тўйиб қарамагандим.

Тирикчилик, кунингизга ризқи тўкин фарзанддек,
Ҳали ярамагандим.

«Ота мерос» уйни қуриб, тўнғич ўғилни ўйлаб,
Узатмоқчи эдингиз-а, эндигина оёқни
Бугун кезар эканман мен танҳо, олмазор бўйлаб,
Эзиламан кўтарганча армон деган зил тоғни.

Гарчанд умр сўнггигача инсонга сермеҳнат йўл,
Билмадингиз Сиз дунёда борми унинг одоғи.
Қўз олдимдан ўтаётир у чапдаст, сертомир қўл.
Ва кафтларнинг ўчмас муҳр, танга-танга қадоғи.
Қорайган сахий тупроқнинг рангги акс этар унда,
Минг кишилиқ давраларда бўлсангиз ҳам топардим.
Ўша қўлингиздан таниб топар эдим, оҳ, шунда
Гўдаклигим соғинчи-ю, зори билан ўпардим.
Саманингиз турар ўша қозиғида депсиниб,
Акам миниб, балки бир кун сиздай чавандоз бўлар.
Ҳаёт қизиқ, эсар экан сўнгсиз йиллар эпкини,
Чавандозлар кетар экан, чавандозлар тугилар.
Аммо, тойлар от бўлгунча юраклар лат бўлар, деб
Онам йўқлар йўқловларда, сиз ёдига тушганда.
Йиллар оша укаларим такрорлаб юрар мендек:
«Биз отамдан айрилганмиз оқ олмалар пишганда...»

ҚЎМСАШ...

Ўўлдан елиб ўтар учқур от,
Бир-бир кечар болалик ёддан.
Мен чавандоз қизини ҳаёт
Жуда эрта айирди отдан.
Ва отамдан эрта айирди,
Тўймадим меҳрига на илож.
Қаердаки улоқ, от кўрдим,
Тикилдим мен гўдак кўзим оч.
Кўк қундузин қошга бостириб
Улоқчилар тўдасига гоҳ,
Гўё отам келарди кириб
Бир зумгина энтикардим, оҳ,
Ўтлар сачраб туёқларидан
Кўкни тутса от гижинглаши.
Бир дард сизиб кўнглим қаъридан

Ўз отимиз излардим шошиб.
Йиллар бўйи изладим, топдим
Ва йўқотдим ўша заҳоти.
Ўхшаш кимса ортидан чопдим
Ортга қайтдим ўйларга ботиб.
Туюларди булар мисли туш,
Ўнглигини англадим кейин.
Уфқлар Сиз бўлиб чорлармиш,
Учгим келди гоҳ худди қуюн
Қўмсашлардан ўтланар бағир,
Ўтганларнинг билгани билган.
Мен чавандоз қизиман ахир,—
Ота, отдан эрта айрилган...

МУНДАРИЖА

Туйғун ўйлар, тошқин ҳислар
куйчиси

Ўзимизнинг боғлар

Ҳовлилар	6
Ўзимизнинг боғлар	7
Йигит қадам ташларкан	8
Юрагимда барглар шивири	9
Бизнинг тоғда	10
Қор учқунлаяпти	11
Биз олмамиз	12
Ун тўрт ёшли қизча	13
Шунчаки	14
Оппоққина чақалоқни	15

Она, сени шарафлайман!

Дориламон кунлар келди	16
Олқишлашинг керак	17
Улар сен ҳақингда куйладилар аёл	18
Оқариб бормоқда, онам, сочларинг	19
Қизғиш ёнар уфқнинг кунгуралари	21
Тушимга кирибсан	21

Қалбингга чорлайсан

Жуфт шўхчан кўз	23
Мени унга «бунда бор» деманг	23

Тақдир улаганда умрлар занжирин	24
Сенга барча отилган тошлар	25
Учган ўтни ёндирма қайта	25
Кўзларимга	26
Кемалар тиккага йўл олсин	27
Бир сен эмас	28
Қиёфанг ҳамиша баҳор яратар	28
Қор учқунлаб турганда	28
Қалбингга чорлайсан	29
Сочларимга нигоҳ солмай ўт	30
Ғурур	31
Энди у	32

Қўмсаш

Отам, менинг меҳрибон отам	33
Пешона	35
Дехқон отамсан	36
Дағал қўллар	37
Оқ олмалар пишганда	38
Қўмсаш	39

Уз 2
Х 87

Худойбердиева Ҳалима.
Оқ олмалар. Шеърлар. Т., «Ёш гвардия»,
1973.
44. б. расм.

Худайбердыева Ҳалима. Белые яблоки.

На узбекском языке

ХАЛИМА ХУДАЙБЕРДИЕВА

БЕЛЫЕ ЯБЛОКИ

Стихи

Издательство «Ёш гвардия» Ташкент—1973

Редактор Сафар Барноев
Рассом Л. Мироедова
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Л. Шишкина
Корректор М. Илёсова

Босмахонага берилди 17/XI-1972 й. Босишга
рухсат этилди 13/III-73 й. Формати 70×108¹/₃₂
босма листи 1,375. Шартли босма листи 1,92.
Нашр. листи 1,68. Тиражи 10000. Қоғоз 1.
Ваҳси 18 т. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий
Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 125—70.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети наш-
риёти босмахонаси, Тошкент, «Правда Вос-
тока» кўчаси, 26. Заказ 1546. Р-09378.

07—4—3—027

Х. М.—356—06—73 57—73